



Қуръон қироат қилувчи мўмин утружжа сингари хушбўй ва хуштаъмдир, Қуръон қироат қилмайдиган мўмин эса хурмо каби ширин бўлгани билан хушбуй ҳиддан маҳрумдир

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қуръон қироат қилувчи мўмин утружжа сингари хушбўй ва хуштаъмдир, Қуръон қироат қилмайдиган мўмин эса хурмо каби ширин бўлгани билан хушбуй ҳиддан маҳрумдир, Қуръон қироат қиладиган мунофиқ хусусига келсак, у райҳон каби хушбўй бўлсада, таъми аччиқдир, Қуръон қироат қилмайдиган мунофиқ эса аччиқ тарвуз (колоквинт) каби ҳидсиз ва таъми аччиқдир!».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам бу ҳадисда Қуръонни ўқувчи ва ундан фойда олувчиларнинг қисмларини баёнлаб бердилар. Биринчи қисм: Қуръонни ўқиб ундан фойда олаётган мўмин. У утружжа меваси каби, унинг таъми тотли, ҳиди хушбўй, ранги чиройли, фойдаси кўп. У мўмин ҳам ўқиганига амал қилади ва Аллоҳнинг бандаларига фойда беради. Иккинчи қисм: Қуръон ўқимайдиган мўмин. У хурмо каби таъми ширин, лекин ҳиди йўқ. Хурмо ўз ичига ширин таъми олгани каби унинг ҳам қалбини иймон ўраб олган. Хурмода одамлар ҳидаб роҳатланадиган ҳиди йўқ бўлгани каби унинг ҳам Қуръон ўқиганини эшитиб одамлар роҳат ола олмайди. Учинчи қисм: Қуръон ўқийдиган мунофиқ. У райҳон каби, унинг ҳиди ширин, таъми эса аччиқ. Чунки у қалбини иймон билан ислоҳ қилмаган ва қуръонга амал қилмаган. Одамларга эса ўзини мўмин каби кўрсатади. Унинг ҳам қироатига ўхшаб ҳиди ширин, лекин, куйри каби таъми аччиқ. Тўртинчи қисм: Қуръон ўқимайдиган мунофиқ аччиқ тарвуз (колоквинт) меваси каби. Чунки унинг ҳиди йўқ ва таъми аччиқ. Қуръон ўқимаслиги ҳиди йўқлигига ўхшатилади. Таъмининг аччиқлиги эса куйрининг аччиқлигига ўхшатилади. Унинг ичи иймондан холи, кўринишидан эса наф йўқ, балки, зарарли ҳамдир.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

